“ЎЗЭКСПОМАРКАЗ”
Миллий Кўргазма Компанияси”
акциядорлик жамияти акциядорларининг
навбатдаги йиллик умумий йиғилиши кун тартиби бўйича овоз бериш натижалари

Тошкент шахри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107
Йиғилиш санаси 2026 йил 30 июнь, Соат: 1100

1. Саноқ комиссияси аъзолари таркибини тасдиқлаш

О.Шагазатов – Умумий йиғилиш раиси

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

1. “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ саноқ комиссияси қуйидаги таркибда бир йил муддатга тасдиқлансин:

– **Турғунов Жахонгир Ахаджонович** – Жамият акциядорлар билан ишлаш ва корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси;
– **Хайтметова Гулмира Пайзуллоевна** – Жамият маркетинг бўлими бошлиғи;
– **Жураев Ахрор Хаёт ўғли** – Жамият молия – иқтисод бўлими I тоифали мутахассиси.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижаси:
«Ёқладилар» - 26 901 200 та овоз ёки 100,0%, қабул қилинди;
«Қаршилар» - йўқ;
«Бетарафлар» - йўқ.

2. Акциядорлар йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини тасдиқлаш

О.Шагазатов – Умумий йиғилиш раиси

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

1. “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

– кун тартибидаги масалалар бўйича маърузалар учун - 5 дақиқагача;
– ҳар бир масала бўйича муҳокамалар учун - 3 дақиқагача;
– ҳар бир масала бўйича овоз бериш учун - 1 дақиқагача;
– саноқ комиссияси томонидан овоз бериш якунларини ҳисоблаб чиқилгунга қадар танаффус - 10 дақиқа.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижаси:
«Ёқладилар» - 26 901 200 та овоз ёки 100,0%, қабул қилинди;
«Қаршилар» - йўқ;
«Бетарафлар» - йўқ.

3. Жамият Кузатув кенгашининг 2025 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш

О.Шагазатов – Умумий йиғилиш раиси

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

1. “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ Кузатув кенгашининг 2025 йил якунлари бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижаси:
«Ёқладилар» - 26 901 200 та овоз ёки 100,0%, қабул қилинди;
«Қаршилар» - йўқ;
«Бетарафлар» - йўқ.

4. Жамият фаолиятининг 2025 йил якунлари бўйича Бошқарув раисининг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш

О.Саидхонов – Жамият Бошқарув раиси

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

1. “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ Бошқарув раисининг 2025 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

2. “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ 2025 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижаси:
«Ёқладилар» - 26 901 200 та овоз ёки 100,0%, қабул қилинди;
«Қаршилар» - йўқ;
«Бетарафлар» - йўқ.

5. Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва Жамиятда корпоратив бошқарув қоидаларига риоя қилиш мониторинги натижаларини кўриб чиқиш

С.Кимсанбоев – мустақил баҳоловчи “CITY CAPITAL” МЧЖ вакили

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

1. “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖда Корпоратив бошқарув кодекси талабларини бажарилиши юзасидан ўтказилган баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув қоидаларига риоя қилиш мониторинги натижалари маълумот учун қабул қилинсин ва маъқуллансин.

2. “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖдаги мавжуд Корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ва жамият олдида турган стратегик вазифалар билан уйғунлаштирилган ҳолда жамиятнинг ривожланишини таъминлаш борасида барча амалий чоралар кўрилсин.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижаси:
«Ёқладилар» - 26 901 200 та овоз ёки 100,0%, қабул қилинди;
«Қаршилар» - йўқ;
«Бетарафлар» - йўқ.

6. Жамиятнинг 2025 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш

О.Саидхонов – Жамият Бошқарув раиси

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

1. Жамият томонидан 2025 йилда **13 878 287 563,12** сўм миқдорида соф фойда кўрилганлиги маълумот учун қабул қилинсин ҳамда қуйидагича тақсимлансин:

– дивиденд тўлови учун **– 10 408 743 743,70 сўм** (**75,00%**).

– Жамиятнинг захира фондини шакллантириш учун – **693 915 000,00 сўм** (**5,00%**);

– Жамият Бошқаруви аъзоларини мукофотлаш учун – **693 915 000,00 сўм** (**5,00%**);

– Жамиятни ривожлантиришга, кейинчалик устав фондига капиталлаштириш шарти билан – **2 081 715 219,42 сўм (15,00%)**.

2. Бир дона жойлаштирилган акция учун дивиденд миқдори **382,71 сўм** деб белгилансин.

3. Ҳисобланган дивидендлар **2026 йил 29 августдан** кечиктирмай, пул маблағлари шаклида Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси орқали автоматик равишда тўлансин.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижаси:
«Ёқладилар» - 26 901 200 та овоз ёки 100,0%, қабул қилинди;
«Қаршилар» - йўқ;
«Бетарафлар» - йўқ.

7. Жамиятнинг 2026 йил учун мўлжалланган Бизнес-режасини тасдиқлаш

С.Мутолибхонов – Жамият Бошқарув раисининг молия ва корпоратив бошқарув бўйича ўринбосари

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:
1. “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ нинг 2026 йил учун бизнес-режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижаси:
«Ёқладилар» - 26 901 200 та овоз ёки 100,0%, қабул қилинди;
«Қаршилар» - йўқ;
«Бетарафлар» - йўқ.

8. Жамият ижро органи (Бошқарув раиси ва аъзоларини) ваколатларини узайтириш ва тасдиқлаш

О.Шагазатов – Умумий йиғилиш раиси

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:
1. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 79-моддасига мувофиқ, “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ Бошқаруви қуйидаги таркибда 3 (уч) йил муддатга тайинлансин ҳамда улар билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ белгиланган тартибда меҳнат шартномалари тузилсин:

- **Саидхонов Отабек Муродбекович** - Бошқарув раиси;
- **Кудратов Санжар Ропижонович** – Бошқарув раисининг кўргазма фаолиятини юритиш ва тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича ўринбосари;
- **Шерходжаев Авзалбек Абдувасигович** - Бошқарув раисининг маъмурий-хўжалик ишлари ва боғлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ўринбосари;
- **Обидов Мирзохид Мираъло ўғли** – Бошқарув раисининг ўринбосари – Техник директор;
- **Амирова Эльвира Маратовна** – Бош бухгалтер.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижаси:
«Ёқладилар» - 26 901 200 та овоз ёки 100,0%, қабул қилинди;
«Қаршилар» - йўқ;
«Бетарафлар» - йўқ.

9. Жамият ижро органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг энг юқори чегарасини белгилаш.

О.Шагазатов – Умумий йиғилиш раиси

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:
1. Жамият ижроия органи аъзоларига тўланадиган ҳақлар, рағбатлантириш тўловлари ва компенсацияларнинг энг юқори умумий миқдори, 12 фоизлик ижтимоий солиқни инобатга олган ҳолда, 6.0 млрд. сўмгача белгилансин.

Бунда меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ тўловлар меҳнат шартномалари, Жамиятнинг штат жадвали ва жамоа шартномасига, рағбатлантириш тўловлари эса қонунчилик ҳужжатлари ҳамда Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилсин.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижаси:
«Ёқладилар» - 26 901 200 та овоз ёки 100,0%, қабул қилинди;
«Қаршилар» - йўқ;
«Бетарафлар» - йўқ.

10. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан тузилиши кутилаётган жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни тасдиқлаш

О.Кадиров – Жамият инвестиция маслаҳатчиси

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

1. “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ Бошқаруви томонидан мустақил равишда қонунчиликда белгиланган тартибда Жамиятнинг аффиланган шахслари билан амалга ошириладиган қуйидаги битимлар Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимлар сифатида эътироф этилсин: **кўргазма фаолияти учун хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар, ижара шартномалари, тадбир ўтказиш билан боғлиқ хизматлар юзасидан шартномалар, транспорт хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар, коммунал хизмат шартномалари**.

2. “Ўзэкспомарказ” МКК” АЖ томонидан акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда мустақил равишда аффилланган шахслар билан тузиши мумкин бўлган битимлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижаси:
«Ёқладилар» - 26 901 200 та овоз ёки 100,0%, қабул қилинди;
«Қаршилар» - йўқ;
«Бетарафлар» - йўқ.

11. Жамиятнинг 2026 йил молиявий-хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш, шунингдек, 2026 йил учун ҳисобланган самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари миқдорини текшириш бўйича аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

С.Мутолибхонов – Жамият Бошқарув раисининг молия ва корпоратив бошқарув бўйича ўринбосари

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

3. Жамиятнинг 2026 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботларни миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун, шунингдек СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун ташқи аудитори этиб, “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унинг хизмат ҳақи миқдори 175 000 000,00 сўм этиб белгилансин.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижаси:
«Ёқладилар» - 26 901 200 та овоз ёки 100,0%, қабул қилинди;
«Қаршилар» - йўқ;
«Бетарафлар» - йўқ.

12. Жамият ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгартиришларни маъқуллаш ва Жамият ташкилий тузилмасини янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида

О.Саидхонов – Жамият Бошқарув раиси

Жамият Бошқаруви раиси О.Саидхонов сўзга чиқиб, ҳозирги вақтда Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш масаласи бўйича таклифлар ишлаб чиқилаётганлигини, ушбу таклифлар тўлиқ шакллантирилмаганлиги сабабли, тўлиқ охирига етказилмаганлигини инобатга олиб, кун тартибидаги мазкур масалани кўриб чиқмасдан қолдириш ҳамда у бўйича қарор қабул қилиш учун овозга қўймасликни таклиф этди.

13. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Умаров Эркин Тахирович ва Ибрагимов Жахонгир Жовахирлаевичнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш

О.Шагазатов – Умумий йиғилиш раиси

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

1. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Умаров Эркин Тахирович ва Ибрагимов Жахонгир Жовахирлаевичнинг ваколатлари муддатидан олдин тугатилсин.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижаси:
«Ёқладилар» - 26 901 200 та овоз ёки 100,0%, қабул қилинди;
«Қаршилар» - йўқ;
«Бетарафлар» - йўқ.

14. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш

О.Шагазатов – умумий йиғилиш раиси

Кун тартибидаги масала бўйича қуйидаги қарор овозга қўйилди:

Маткаримов Санжар Изатуллаевич Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига 3 (уч) йил муддатга сайлансин.